

Юқори инстанция суди жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли эмас.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 18 декабрдаги ҳукмига асосан А. Жиноят кодекси 25,97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п» бандлари билан 16 йил, 97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п,р» бандлари билан 20 йил, 164-моддаси 3-қисми «а,в,г» бандлари билан 14 йил, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан 22 йил, ЖК 60-моддасига асосан 23 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 15 январдаги ажрими билан ҳукмнинг А.га нисбатан қисми ўзгартирилиб, унга Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п,р» бандлари билан 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п» бандлари, 164-моддаси 3-қисми «а,в,г» бандлари билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан 20 йил, Жиноят кодексининг 60-моддасига асосан 23 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра А. 2009 йил 6 май куни С. билан УЯ-64/1-сонли жазони ижро этиш муассасасидан қочиб, 2009 йил 7 май куни соат 15 ларда Оҳангарон шаҳри, 5-даҳа, 9-уй олдига келиб, 13-хонадонда яшовчи Т.ни хонадонида ёлғиз ўзи қолишини кутиб, соат 16 ларда Т.нинг уйига бостириб кириб, уни уриб-дўппослаб, ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, оғзи, қўллари ва оёқларини электр сими билан боғлаб, умумий нархи 400.000 сўмлик тилла тақинчоқларни, «LG-7» русумли уяли телефон аппаратини босқинчилик йўли билан эгаллашган.

Шундан сўнг А. ва С. ўта шафқатсизлик билан, тамагирлик ниятида, Т.ни бўйнидан бўғиб, қасддан ўлдиришга ҳаракат қилаётганларида Т.нинг ёрдам сўраб чақирган овозини эшитган қўшниси С.нинг хонадонига кириб қолгани сабабли А. ва С. одам ўлдириш жиноятини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмай, воқеа жойидан қочиб кетишган.

А. билан С. 2009 йил 14 июнь куни Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 11-даҳа, 10-уй, 45-хонадонда яшовчи Р.нинг, мол-мулкини босқинчилик йўли билан эгаллаш мақсадида соат 21 ларда пичоқ билан қуролланиб, Р.ни уйига кириб, унга ҳужум қилиб, ўзлари олиб борган камар билан қўлларини боғлаб, бўйнидан бўғиб, баданининг турли жойларига пичоқ уриб, Р.ни қасддан ўлдирганлар. Сўнгра Р.га тегишли бўлган 300.000 сўм нақд пул, умумий нархи 550.000 сўмлик тилла тақинчоқлар, «Нокия-5130» русумли уяли телефон аппаратини босқинчилик йўли билан эгаллаб, воқеа жойидан қочиб, яширинишган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, А.нинг ҳаракатларини Жиноят кодекси 25-,97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п» бандлари, 97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п,р» бандлари, 164-моддаси 3-қисмининг «а,в,г» бандлари билан асосли квалификация қилган бўлса-да, қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми тушунтиришларига риоя қилмаган.

Жиноят процессуал кодексининг 494-моддаси талабига мувофиқ, суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 19-бандида апелляция

инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қанчалик тўғри аниқланганлигини, моддий ва процессуал қонун нормалари қанчалик тўғри қўлланилганлигини текширади, жиноят ишини шахс судланган ёки оқланган айблов доирасида кўриб чиқади, бироқ шикоят (протест) ким томонидан берилганлигидан қатъий назар, Жиноят процессуал кодексининг 494-моддасига мувофиқ, суд қарори билан жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли эмаслиги кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг хатосини тузатиб, А.га Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п,р» бандлари билан тайинланган 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини 19 йилга келтириб, Жиноят кодекси 25,97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п» бандлари, 164-моддаси 3-қисмининг «а,в,г» бандлари билан тайинланган жазоларни ўзгаришсиз қолдириб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган 22 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини 20 йилга келтириб, тўғри хулосага келган бир вазиятда А.га нисбатан Жиноят кодексининг 60-моддаси билан жазо тайинлашда хатога йўл қўйган.

Биринчи инстанция суди А.га тайинлаган озодликдан маҳрум қилиш жазосига илгариги ҳукм бўйича ўталмай қолган жазо муддатидан бир йил қўшиб, узил-кесил жазо тайинлаган бўлса, апелляция инстанцияси суди уч йил қўшиб, узил-кесил тайинланган жазони асоссиз кучайтирган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2010 йил 22 апрелдаги ажрими билан А.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 15 январдаги ажрими ўзгартирилиб, А.га нисбатан Жиноят кодекси 25,97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п» бандлари, 97-моддаси 2-қисмининг «ж,и,п,р» бандлари, 164-моддаси 3-қисмининг «а,в,г» бандлари билан ҳамда Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан

тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 60-моддасига асосан узил-кесил 21 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

ЖСҲ-45-10-назорат иши